O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
BESHARIQ TUMANI
HOKIMINING

QARORI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
БЕШАРИҚ ТУМАНИ
ҲОКИМИНИНГ

ҚАРОРИ

«27» 03 2020 yil № 276 Beshariq shahri

Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

"Йўл харакати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан, тумандаги автомототранспорт воситаларини 2020 йилда техник кўрикдан ўтказишни таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Автомототранспорт воситаларини йиллик мажбурий техник кўрикдан ўтказиш туман комиссияси таркиби 1-иловага мувофик, тумандаги жисмоний ва юридик шахсларга тегишли автомототранспорт воситаларини 2020 йилда техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туманда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга тегишли автомототранспорт воситалари, оғир ва хавфли юк ташувчи бир йилда икки марта техник кўрикдан ўтувчи автотранспорт воситаларини 2020 йилнинг 5 мартдан 30 июнгача, иккинчи марта 2020 йилнинг 1 сентябрдан 31 октябргача техник кўрикдан ўтказилсин.

4. Комиссия зиммасига:

Техник кўрикдан ўтказиш давомида белгиланган жадвалга риоя қилиш, автомобилларни техник кўрикка тайёргарлигини, зарур жиҳозларни етказиб

берилишини, автомобилларни техник паспортларини, таъмирга киргизиш рўйхатларини, ишга чиқиш ва қайтишини қайд этиш китобларини юргизилганлигини, текшириш ва аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриш вазифалари топширилсин.

5. Тумандаги корхона ва ташкилотлар рахбарларига:

тасдиқланган жадвалда кўрсатилган муддатда автомототранспорт воситаларини техник кўрикка тайёрлаш ва техник кўрикдан ўтказиш комиссиясига ўз вақтида тақдим этиш вазифаси топширилсин.

6. Тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлари учун тўловларнинг чекланган миқдорларини белгиланишида вилоят ҳокимлиги томонидан ўрнатилган тарифларига қатьий амал қилинсин.

7. Белгилансинки, мазкур қарор "Бешариқ тонги" рўзномасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 28.02.2019 йилдаги №288/1-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари А.Абдурахмонов зиммасига юклатилсин.

10. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киритилсин.

Туман ҳокими: **Р.Жўраев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI BESHARIQ TUMANI HOKIMI
BAYON QISMI